

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

МЕНТАЛИТЕТ ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ



Кумушбиби Расуловна ЭРМАМАТОВА

магистрант

халқаро журналистика факультети

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети

kumush1493@mail.ru

Аннотация

Мақолада менталитет тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва назарий ҳамда фалсафий-ахлоқий асослари ҳақида сўз юритилади. Муаллиф менталитетнинг илмий термин сифатида келиб чиқишини илмий адабиётларда келтирилган таъриф-тавсифларга таяниб, уларни таққослаб ўрганган. Менталитетнинг социология ва психология фанларида ўрганилиши масаласи, менталитет ва менталлик атамаларининг фарқли жиҳатларини кўрсатиб берган. Ушбу тушунчаларнинг илмий, ижтимоий аҳамияти ва ўрнини кўриб чиққан.

Калит сўзлар: менталитет; кадрият; ўзига хослик; этнос; миллий менталитет.

ФИЛОСОФСКО-ЭТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОНЯТИЯ МЕНТАЛИТЕТ

Кумушбиби Расуловна ЭРМАМАТОВА

магистрант

факультет международной журналистики

Узбекский государственный

университет мировых языков

kumush1493@mail.ru

Аннотация

Статья посвящена анализу понятия менталитета, его значение, также теоритические и философские-этические основы менталитета. В данной статье рассматривается происхождения менталитета как научный термин, его описании, которые приведены в разных научных литературах. Также предоставлены отличительные стороны терминов менталитета и ментальности, их специфические аспекты в социологии и психологии. Рассматриваются роль и научно-социальное значение двух понятий.

Ключевые слова: менталитет; ценность; идентичность; этнос; национальный менталитет.

PHILOSOPHICAL-ETHICAL FOUNDATIONS OF MENTALITY

Kumushbibi ERMAMATOVA

Master

Faculty of International Journalism

Uzbekistan State University of World Languages

kumush1493@mail.ru

Abstract

The article discusses the concept of mindset, its significance, as well as the theoretical and philosophical-ethical foundations of the mentality. It analyzes the origin of the mindset as a scientific term, its description, which are given in different scientific literature. There are presented the distinctive aspects of the terms of mindset and mentality, their specific aspects in sociology and psychology. It is considered the role and scientific and social significance of two concepts.

Key words: mentality; valuation; identity; ethnos; national mentality.

ОАВнинг деярли барча турларида кийиниш, ўзини тутиш, оила одоби ва шу каби масалалар ҳақида ёзилган мақолалар, эфирга узатилган эшиттириш ёки кўрсатувларда “менталитет”, “миллий менталитетимиз” сўзларининг тез-тез қўлланилишига гувоҳ бўлинади. Бунда ОАВ маҳсулоти, одатда, танқидий руҳда бўлади. Журналистлар ғарбона маданиятнинг жамиятимиз, ёшларимизга салбий таъсири ҳақида қайғурар экан, уларнинг ўзбек менталитетига мос келмаслигини бот-бот таъкидлайдилар. Эътибор берилса, ушбу тушунча кўпроқ маданий, айрим ижтимоий муаммоларнинг “қурбони” сифатида кўрсатилади. Шу ўринда савол туғилади: “Менталитет тушунчасининг маъно-мазмунини аслида қандай?”, “Унинг қўлланилиш ҳолати ва вазияти қанчалик ўринли бўлмоқда?”. Бу саволларга жавоб топиш учун, аввало, “менталитет” сўзининг асл маъно-мазмунини, ўрганилиш даражасини аниқлаш лозим.

“Менталитет, бу – ижтимоий фалсафий тушунча бўлиб, ижтимоий борликда тарихий субъект (халқ, миллат, этнос, ижтимоий гуруҳ, индивид)нинг ижтимоий-маданий ҳолатини намоён этувчи идеал ҳақиқат ҳисобланади. У турмуш тарзининг географик, этник, ижтимоий-маданий ва цивилизацион шароитларининг тарихан узок ва етарлича барқарор ўзаро таъсири натижасида шаклланади ҳамда фаолиятнинг турли хиллари, шунингдек, ижтимоий-психологик йўналишларда ҳам намоён бўлади” (6, 11).

Шунингдек, менталитет тушунчасининг мазмуний ҳамда психологик тавсифлари турли илмий адабиётларда турлича берилган. Хусусан, унинг мазмуний тавсифлари қуйидагилар:

1) Менталитет – жамоавий ва индивидуал онгнинг чуқурлиги, у ўз ичига онг остини ҳам қамраб олади. Менталлик – индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳаракат қилиш, фикр қилиш, ҳис қилиш ва дунёни муайян жиҳатдан тушуниш майли ва йўналишлари мажмуидир (2, 72).

2) Менталитет – анъанавий, миллий одатлар, турмуш тарзи, фикрлаш, ахлоқ билан аниқланувчи дунёни ҳис қилиш, дунёни қабул қилишдир (4).

3) Менталитет – муайян инсонлар бирлиги ёки гуруҳ учун хос бўлганаклий одатлари, эътиқоди, психик шаклланиш мажмуаси, шунингдек, аклий ҳолат... ўзни тутиш одоби, фикрлаш, бирор нарса ҳақида мулоҳаза юритиш мажмуидир (10, 160).

Бу таърифлардан маълум бўладики, менталитет тушунчасининг мазмуни халқ, миллатнинг тарихан шаклланган ижтимоий, психик, психологик, этник шаклланганлик ҳолатини ифодалайди. Унинг психологик тавсифлари эса менталитетни психологик категория сифатида кўрсатади.

Қуйидаги таърифларда менталитет “мулоҳаза қилиш”, “ҳис-туйғу”, “эҳтиёж”, “мотив”, “идеал”, “мойиллик”, “стереотип” каби тушунчалар орқали ифодаланган:

1) Менталлик (менталитет) – аниқ ифодаланмаган ва тўлиқ англаб етилмаган фикрлаш тарзи (3,535). Бунда тадқиқотчи менталитет тушунчасининг ноаниқлиги, мужмаллигини кўрсатишга ҳаракат қилади.

2) Менталитет – муайян индивид ёки индивидлар гуруҳини характерловчи онглилик даражаси (11).

3) Менталитет, бу – муайян индивид ёки гуруҳга хос бўлган фикрлаш, дунёни қабул қилиш, руҳий ҳолатининг кўринишидир (7, 343).

Келтирилган мисолларда менталитет атамаси психология фанининг объекти сифатида намоён бўлаётганини кўриш мумкин. У шунчалик кенг қамровли ва мавҳум тушунчаки, шу сабабдан ҳам бу атама бир неча фанларнинг тадқиқот объектига айланган. Келтирилган деярли барча таърифларда менталитетнинг муайян индивид ёки кишилар гуруҳига хослиги таъкидланади. Шунингдек, улар ушбу тушунчани кўпроқ онгга боғлиқ ва аклий ҳодиса сифатида кўрсатадилар. Яъни, у муайян кишилар гуруҳига хос бўлган одат, турмуш тарзи, ахлоқ ёки одоб меъёрлари эмас, балки шу ва шу каби тушунчаларнинг кишилар онгида шаклланганлик даражаси, уларнинг қабул қилинганлик ҳолатини ифодаламоқда.

Олим ва тадқиқотчи Ж.Дюби эса менталитетни система сифатида олиб қарайди. Уни тарих объекти деб атаб, системани ташкил қилувчи элементлар бир-бири билан узвий боғлиқ, деб таъкидлайди. Бу элементлар эса образлар,

тасаввурлардан иборатдир. Дунё ва бу дунёда ўзининг тутган ўрни инсоний тасаввурлар асосини ташкил этади. Бу эса уларнинг хатти-ҳаракатлари ва ўзини тутишини белгилайди, деб ёзади Ж.Дюби (12).

Менталитет тушунчаси бевосита ҳар бир кишилар гуруҳи ёки бошқача айтганда, муайян халқнинг тарихи, ўтмишига ҳам боғлиқ. “Қон-қонига сингиб кетган...” деган ифодаларда ушбу тушунча назарда тутилиши, бежиз эмас. Менталитет – туғма хотира. У авлоддан-авлодга ўтиш жараёнидаги табиий ва ижтимоий мажмуалар синтезига асосланади.

Бундан ташқари, менталитет атамаси маданиятшунослик фанининг ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади. Бу эса унинг ўз ичига миллат ва халқларнинг маданий ҳаётига дахлдор кўпгина жиҳатларни қамраб олишидан келиб чиқади. Рус тадқиқотчиси Б.Миронов ушбу тушунчани стереотип деб атар экан, у тарбия ва маданий анъаналар асосида қурилганини ҳамда менталитетнинг алоҳида шахсларда эмас, балки ижтимоий-маданий жамоатчиликда мавжуд бўлишини таъкидлайди.(9, 233)

Менталитет сўзидаги асос – “mens” – қалб, руҳ, том маънода эса онг, ақл деган мазмунни ифодалайди. “Идрок” – “ақл” – “тафаккур” – “фикрлар образи” – “руҳий ҳолат” – “руҳий мажмуа” – “қалб”. Бу ўсиш тартибида жойлаштирилган тушунчаларнинг барчаси менталитетнинг таркибий қисмларидир. В.Колесов турли миллатларда ушбу ифодалар турлича кўринишда етакчилик қилишини айтади. Масалан, европа менталитетида бошланғич тушунчалар, яъни “идрок” – “ақл” – “тафаккур” – “фикрлар образи” етакчи аҳамиятга эга. Славян, шу билан бирга, рус менталитетида эса “руҳий ҳолат” – “руҳий мажмуа” – “қалб” муҳим ўрин тутаяди (5, 11).

В. Колесовнинг бу фикрларидан хулоса қилиш мумкинки, рус менталитетида ҳиссий, руҳий ҳолат, ахлоқ, қадриятлар алоҳида ўрин эгаллайди. Европаликлар менталитетига эса кўпроқ ақл, соғлом фикр етакчилиги характерлидир.

Ушбу атамани илк бор этнолог Леви-Брюль қўллаган. У илк, яъни қадимги ва замонавий кишиларни бир-бирига қарши қўйган ҳамда қабилаларнинг алоҳида, ўзига хос тафаккурини менталитет атамаси билан ифодалаган. Аммо мазкур тушунчанинг оммалашини француз “Анналлар” тарих мактабининг фаолияти билан боғлиқ. Ушбу мактаб вакиллари менталитет деганда, жамоанинг ўзига хос хусусиятини назарда тутишган (индивидуал эмас). Мазкур маълумотлардан кўринадики, менталитет, аввало, тарихчиларнинг фан объекти ҳисобланган, кейинчалик у психология ва социологияда ҳам ўрганила бошлади.

Миллий менталитетни ўрганишда миллий (этник) маданиятларнинг қиёсий тадқиқи, уларнинг дунё миқёсида таъсири, фикрлаш тарзи ва ижтимоий ахлоққа таянилади.

“Менталитет жамиятнинг ҳар бир алоҳида аъзоси ҳис-туйғулари, онги ва иродасида намоён бўлади. У тил ва тарбияга асосланади, миллий маданиятнинг бир қисмини намоён этади”(5, 11). Менталитет – тарихий, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарбиянинг натижаси. У инсонларнинг ички кечинмалари, онгида шаклланади. Шунингдек, бу тушунча бевосита маданиятга дахлдордир. Муайян гуруҳ ёки миллат, халқ менталитети унинг маданий аҳволига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Тадқиқотчи В.Соколов ўз ишларида менталитет таркибига қуйидагиларни киритади:

- ижтимоий ва табиий реалликни қабул қилишнинг умумий тизими: дунё, жамият, атроф-муҳит, ўзни тутиш меъёрлари ва бошқалар ҳақидаги бир-бирига яқин тасаввурлар;
- ахлоқнинг умумий, типик модели (кўпгина стандарт вазиятлар учун бир-бирига яқин, ўхшаш реакциялар);
- муайян халқ учун кенг тарқалган, типик бўлган психологик, ўзига хос хусусиятлар, феъл-атвор (13, 12).

Бошқача айтганда, менталитет – онг, ўз-ўзини англашнинг муайян йўналганлиги. Бу дунёқараш даражасига ҳам, этноснинг ижтимоий-психологик ҳолатига ҳам боғлиқ. Миллий характер менталитетнинг бир қисми сифатида қаралади.

Шу ўринда бир савол туғилади: Менталитет ўзгарадими? У ўзгарувчан характерга эгами ёки барқарор?

Айтиш мумкинки, этнос ҳам, жамоатчилик ёки муайян индивид ҳам ўз хоҳиши бўйича менталитетни ўзгартира олмайди. Аммо бу унинг барқарор ва турғун эканлигини англамайди. Бир қанча тадқиқотчилар фикрига кўра, менталитет ўзгариб туради, аммо бу жараён муайян субъект томонидан назорат қилина олмайди. Бу тўсатдан, аниқ бўлмаган кўпгина омиллар таъсирида юз беради (14).

Тадқиқотчи Н.Левинанинг фикрича, исталган жамиятда ҳеч қаерда ёзилмаган қоидалар мавжуд. Улар – ахлоқ меъёрлари, одатлар, анъаналардир. Бу қоидалар инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб улгурган. Бундай меъёрлар миллат менталитетининг асосини ташкил этади, унинг кундалик турмуш тарзини белгилайди. Шахсларнинг ахлоқий стереотиплари асосан кундалик турмуш таъсири остида шаклланади. Шунингдек, инсоннинг ҳар

кунги ҳаётига хос хусусиятлар жамиятнинг тарихий пойдевори сифатидаунда мавжуд бўлган ижтимоий-маданий йўналишларнинг ифодаси ҳисобланади (8).

Менталитетнинг маъно-мазмунини қуйидаги тушунчалар орқали ифодалаш мумкин:

- ижтимоийлик;
- тарихийлик;
- муайян бир социумга тегишлилик;
- ўз-ўзини идентификациялаш;
- кўп қатламлик;
- полифониклик;
- ментал хусусиятларни ўзида намоён этувчи қуйидаги

социумлар мавжуд:

- миллат;
- этнос;
- халқ;
- синфлар,
- ижтимоий қатламлар;
- касталар;
- меҳнат ёки илмий жамоалар;
- индивид (6, 11).

Улар орасида индивид келтирилган турлар орасида энг бошланғич тушунча ҳисобланади. Оила эса микросоциум бўлиб, у менталитетни ўзида намоён этувчи синтезли ташувчидир, оила миллатнинг ментал хусусиятларини ўзида сақлайди (6, 11).

Миллат менталитети кўп қирралидир. Менталитетнинг асосий компонентлари қуйидагилар:

✓ Ижтимоий-маданий. У ўз ичига жамият ҳаётий фаолиятининг рухий, диний, эстетик-санъат, ахлоқий, иқтисодий ва сиёсий томонларини қамраб олади.

✓ Психологик. У икки даражада ифода этилади:

- 1) ижтимоий психология даражаси (“миллий характер”);
- 2) индивидуал психология даражаси.

✓ Тамаддуний. У ўзида ақлий фикрлаш ва маданий рамзларни ифода этади. Бу компонент илмий ва технологик билим даражасини намоён қилади (6, 15).

Исталган халқ менталитети ўзининг қадимий илдизларига эга. Бу илдизларни қадимги маданий ёдгорликлар, мифлар, фольклор, миллат ва халқларнинг эпик ижод намуналарини ўрганиш орқали тадқиқ этиш мумкин.

Умуман олганда, менталитет тушунчасини турли фанлар тизимида учратиш мумкин. Психологияда менталитет – фақатгина онг остида барқарор турувчи тафаккур ҳодисаси бўлиб, у авлоддан-авлодга ўтиш натижасида шаклланган ва инсонлар характерида миллий ёки ижтимоий жиҳатдан мустақамланган, ўрнашган. Психоаналитик фалсафада эса менталитетнинг мураккаб компонентларидан бири – психологик компонент чуқурлаштирилган тарзда ўрганилади.

Этнология ва этнография эса ушбу феноменни этник маданиятнинг ривожланиши ва шаклланишидаги бир қисм сифатида характерлайди. Бу жуда тор кўламдаги муносабат бўлиб, менталитетга фақат ушбу билим доирасида қаралади.

Шу сабабли “менталитет” тушунчаси комплекс тарзда ўрганилиши лозим. Бунда унинг ижтимоий-маданий, психологик, этник ва тамаддуний хусусиятлари жамланган ҳолда инобатга олиниши керак. Айтиш мумкинки, менталитет – ижтимоий категория. Унда муайян субъект – миллат, халқ, этноснинг тарихан шаклланган ижтимоий-психологик ва руҳий ҳолати намоён бўлади. У тарихан узоқ вақт давомида табиий-географик, этник, ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитларнинг ўзаро мунтазам таъсири остида шаклланади. Менталитет жамият ҳаётининг турли соҳаларида бевосита ва билвосита намоён бўлади. Бунга иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва бошқа ижтимоий муносабатлар, жараёнларни киритиш мумкин. Бунда авлодлар ўзгариши ва ижтимоий “мерос қолдириш” ҳамда унга бўлиш ҳолатлари ҳам юз беради. Менталитет миллат руҳини тушуниш, англаш билан бирга, унинг ҳаётий фаолиятига хос хусусиятларни билишнинг ҳам калити ҳисобланади. Юқорида келтирилган ҳар бир социум турида марказий ва аниқ менталитет ташувчи субъект сифатида индивидни кўрсатиш мумкин. У нафақат менталитетнинг ташувчиси, балки уни намоён этувчи ҳамдир. Индивид ташувчи ва намоён этувчи сифатида турли микро- ва макроментал жабҳаларнинг кесишувида яшайди. Оила эса менталитетнинг синтезли ташувчиси ҳисобланади. Оила, аввало, қадимий анъана ва қадриятларнинг сақловчисидир. Чунки айнан унда умуминсоний қадриятларга бошланғич муносабат шаклланади. Оилавий қадриятлар ва урф-одатлар орқали миллий анъаналар вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Визгин В. Современная западная философия. Словарь. – М.: Политиздат, 1998. – 544 с.
2. Гуревич А.Я. Жак Ле Гофф и «новая историческая наука» во Франции. Екатеринбург, 2005. – 568 с.
3. Ефремова Т. Ф. Новый словарь русского языка. – М.: Русский язык, 2000 // https://www.efremova.info/word/mentalitet.html#.WyYxUekfA_4/
4. Колесов В. В. Русская ментальность в языке и тексте. – СПб., 2006. – 624 с.
5. Корнеева Т. Менталитет как социокультурный феномен. Автореферат. Екатеринбург, 2001. – 184 с.
6. Кравченко А.И. Культурология: Словарь. – М.: Академический проект, 2000. – 671 с.
7. Левина Н.Б. Повседневная жизнь советского человека: Нормы и аномалии. – СПб., 1999 // <http://www.fedy-diary.ru/?p=6638/>
8. Миронов Б. И. Социальная история России. – СПб., 2002. – С. 144–160.
9. Пушкарев Л.Н. Что такое менталитет? Исторические записки // Отечественная история. – М., 1995. – 160 с.
10. Reber A. S. The penguin dictionary of psychology. 2000 // <https://www.penguinrandomhouse.com/books/305736/the-penguin-dictionary-of-psychology-by-arthur-s-reber/9780141030241/>
11. Сарпова О. Ж. Дюби и Р. Мадру: ментальность как система // https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=3896/
12. Соколов В. М. Российская ментальность и исторические пути отечества. – М., 2007. – 244 с.
13. Шнейдер Л. Б., Вольцев С. В. Социально-психологические особенности национального менталитета. Учебное пособие. – М., 2009 // <http://nauka-pedagogika.com/psihologiya-19-00-05/dissertaciya-sotsialno-psihologicheskie-osobennosti-natsionalnogo-mentaliteta/>